

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---


---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2019



**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## МУНДАРИЖА

### Аниқ ва табиий фанлар

#### МАТЕМАТИКА

##### А.Үринов, Ш.Каримов

Бессель оператори қатнашган итерацияланган кўп ўлчовли Клейна-Гордона-Фок тенгламаси учун Коши масаласи аналогини ечиш ..... 5

#### ФИЗИКА, ТЕХНИКА

##### Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Шухратов, И.Якубов

Толали материаллар тозалагичининг қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар тебранишларининг таҳлили ..... 13

##### Ж.Улугмуратов, И.Исматуллаев, И.Якубов, З.Исламов, Х.Бегалиев, Т.Кодиров

Туяқуш экзотик чарми олишда тери хомашёсига дастлабки ишлов беришни тадқиқ қилиш ..... 20

#### КИМЁ

##### Б.Мажкамов, Д.Шахидова, Б.Орзикулов, Д.Гафурова

Мис (II) ионларининг сорбцияси учун комплекс ҳосил қилувчи полимер материалларни олиш ..... 25

#### БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

##### Ш.Хасанов, С.Сасмаков, Ж.Абдурахманов, О.Аширов, Ш.Азимова

Ҳашарот ҳужайраларини паст ҳароратли мұхитда узоқ муддат сақлашнинг оптималь шароитларини танлаш ..... 29

##### А.Ахунов

Суғориш тарихи ва суғоришнинг ўзига хос омиллари ..... 32

### Ижтимоий-гуманитар фанлар

#### ТАРИХ

##### К.Тухтабеков

Ўзбекистонда илм-фан тараққиётининг тарихий илдизлари ..... 36

##### Ў.Жўраев

Советлар даврида таълим тизимини мағкуралаштириш (1950-1980 йиллар) ..... 40

##### Е. Гордеева

Калтаминон маданияти мағкураси тўғрисидаги масалага доир ..... 43

##### И.Раҳимов

Тарихий ҳақиқат ва унинг жамият маънавий тараққиётига таъсири ..... 47

#### ФАЛСАФА, СИЁСАТ

##### А.Ўтамуродов, Б.Турсунов

Фуқаролик жамияти – тараққиётнинг юқори босқичи ..... 50

##### Т.Алимардонов, А.Азимов

Ўтиш даврининг классик модели ..... 54

##### Ф.Мирзаева

Ўрта Осиёда Нақшбандия-Мужаддиция тариқати ривожининг ўзига хос хусусиятлари ..... 58

##### И.Тоирев

Жаҳон тамаддуни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ..... 61

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК

##### А.Акбаров

Фирдавсий тақдири Ҳайнрих Ҳайне талқинида ..... 66

##### Р.Тошниёзова

Маърифат ва талқин: шоҳид образининг онтологик асослари ..... 70

##### М.Хамидов

Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссасида Машраб образи ..... 75

##### А.Қаюмов

Уруш – миллий характер күшандаси ..... 77

##### М.Эрназарова

Л.Н.Толстой ижодини ўрганишнинг инновацион технологиялари ..... 81

#### ТИЛШУНОСЛИК

##### Ш.Искандарова, М.Омонов

Ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан “Бобурнома”даги изофий бирикмалар ..... 85

УДК: 950+.001

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

ИСТОРИЧЕСКИЕ КОРНИ РАЗВИТИЯ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

HISTORICAL ROOTS OF SCIENCE DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

К.Тухтабеков

*Аннотация*

Мақолада Ўзбекистонда фан тараққиётининг тарихий тадрижи ҳамда буюк олим ва алломаларнинг кўшган ҳиссалари кўриб чиқилган. Уларнинг ўрта асрларда барпо этилган академиялардаги фаолияти ёритилган.

*Аннотация*

В статье рассматриваются исторические предпосылки развития науки и вклад великих ученых и мыслителей. Деятельность выдающихся ученых при первых академиях созданных в средний веке.

*Annotation*

The article discusses the historical background of the development of science and the contribution of great scientists and thinkers. The activities of prominent scientists at the first academies created in the Middle Ages.

**Таянч сўз ва иборалар:** илм, илмий мерос, тарққиёт, тарих, адабиёт, аниқ фанлар, архитектура, математика.

**Ключевые слова и выражения:** наука, научное наследие, цивилизация, история, литература, естественный науки, архитектура, математика.

**Keywords and expressions:** science, scientific heritage, civilization, history, literature, natural sciences, architecture, mathematics.

Илму-маърифат азал-азалда қадрлаб келинган ва жаҳон маънавий тараққиётида муносиб илмий мерос яратиб қолдирган ҳалқимиз ҳар доим илм-маърифатнинг қадру қимматини яхши билган. Бироқ, узоқ йиллар давомида ҳалқимизнинг кўп асрлик бой тарихини илмий жиҳатдан яхлит, ҳар томонлама чуқур тадқиқ этишга имконият берилмади ва аждодларимиз илмий мероси тўлақонли тадқиқ этилишдан узокда тутиб турилди. Фақатгина ҳалқимиз тарихининг айrim жиҳатларигина макфуравий нуқтаи назардан бир ёқлама ўрганилди. Нафақат, Ўзбекистон ҳалқлари тарихида балки, жаҳон тарихи ва тамаддунида ўзига хос ўрин тутган тарихий шахсларнинг фаолияти бузид кўрсатилди ва соҳталаштирилди. Мустақиллик йилларида тарихимизга муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз томонидан тарихий қадриятлага ҳалқимиз маънавий камолотининг асоси сифатида муносиб баҳо берилиб, уларни илмий жиҳатдан ҳар томонлама мукаммал тадқиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу брада, ҳалқаро илмий анжуманлар, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Бухоро ва Термиз каби тарихий шаҳарларнинг юбилейлари ўтказилди.

Зеро, “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган

қадимги тош ёзув ва битиклар, ҳалқ оғзаки ижоди ва намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлэзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минераогия, кимё, астрономия, меъморчилик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизник буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган ҳалқ дунёда камдан-кам топилади”. Бугунги дунё таъмаддунига бой маънавий ва илмий мероси билан муносиб хисса қўшаган аждодлар ворислари сифатида ушбу маънавий бойликларни асраб авайлаш ва уларни шиддат билан ўзгариб, ривожланиб бораётган ва глобалашув жараёни чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда замон талаблари асосида янада тақомллаштириш каби улкан вазифаларини илм-фан соҳасидаги олимларимиз олдига қўйимоқда. Мазкур жараёнда илм-фаннынг салмоғи ҳар қачонгидан ҳам ортиб, ҳар бир давлатнинг ривожланишига, ҳалқ фаровонлигининг ошишига, мамлакатнинг жаҳондаги нуфузига таъсир кўрсатадиган муҳим омилга айланниб бормоқда.

К.Тухтабеков – ЎзМУ тадқиқотчиси, тарих фанлар номзоди, доцент.

## ТАРИХ

Давлатимиз томонидан илм-фани янада ривожлантириш ва республикамизнинг дунёдаги нуфузини мустаҳкамлаш устивор вазифа сифатида белгиланиб, қуллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, энг аввало республикамизда илм-фанинг дунё илм-фани билан ўзаро уйғун асосларда ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этишига хизмат қелмоқда.

Қадимдан юртимизда илмли, маърифатли кишлар юксак қадирланган, уларга муносиб иззат, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилган. Зоро, ҳалқимиз томонидан илм берувчи кишларга юксак маъсулият юкланган десак муболаға бўлмайди, яъни ҳалқ ибораси билан айтганда “Эти сизники, суга бизники”. Ҳалқимиз маърифатга доимо интилиб яшаган ва шу сабали аждодларимиз томонидан бутун инсониятга улкан илмий мерос қолдира олган буюк ҳалқлардандир. “Бу қадимимй ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олимум уламолар, сиёsatчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган ва сайқал топган”. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида, жамийъ муҳаддисларнинг имоми, ҳадис илмининг султони (амирул мўмъининий фил ҳадис), саййидул фуқаҳо каби улуғ лақабларга мұяссар бўлиб, Пайғамбар алайхис саломнинг муборак ҳадисларига дурданасимон сайқал бериб, уларни абадул-абад барҳаёт қилган улуғ зот, имом ал-Бухорий мана шу диёрда таваллуд топди ва камолга етди. Буюк шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий буюк муҳаддиснинг илмий салоҳиятига юксак баҳо бериб: Батха (Макка) ва Ясриб(Мадина)да ясалган танганинг Бухорода сайқали камолига етди”-деб ёзган эди. Шунингдек, Ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, фиқҳ – ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада бекиёс дурданалар яратганлиги тифайли “Бурҳон уд-дин вал-л-мулла” ва “Бурҳонуддин ал-Марғиноний” таҳалуслари билан машҳур бўлган Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний каби мутаффакирлар ҳам шу замидан яшаб ижод этганлар.

Марказий Осиё мутафакирлари нафақат диний балки аниқ ва табиий фан соҳаларида ҳам муносиб илмий мерос қолдирдилар, жумладан, Ахмад ал-Фарғоний, Мухаммад ибн Мусо Хоразмий,

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улугбек томонидан қолдирилган илмий мерос аҳамияти бекиёсдир. “Муболигасиз айтиш мумкинки, фанимиз, ақл-заковат салоҳиятилизнинг ноёб ва гўзал биносига бундан кўп асарлар муқаддам пойдевор саналган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлаганини, унинг чуқур ва қудратли илдизлари борлигини фахирланиб айта оламиз. Улар асрлар давомида ўзбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларини, ўрганишда, тиббиёт фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳият, адабиётшунослик ва тилшунослиқда ишончли хизмат қилиб келмоқда. Узоқ ўтмишдаёқ ўзбек ҳалқининг илғор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган қашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятизнинг олтин хазинасини ташкил этади. Билимлар хазинсини очган буюк аждодларимизнинг номлари бутун дунёда машҳур”.

Қадимдан сунъий суғориш тизимиға асосланган дехқончилик ривожланган Марказий Осиё хусусан, диёrimiz ҳудудида ирригация ривожи учун аниқ ва табиий билимларга эга бўлиш лозим эди. Бу билим ва кўниқмалар орқали дарёлардаги сув сатҳининг кўтарилиши вақти, қаналлар йўналишини белгилаш, тўғонлар қуриш ва тузатиш, суғориладиган ер майдонларини аниқлаш каби масалаларни аниқлаш учун хизмат қилган. Шунингдек, минтақамизнинг чўл ва саҳролари орқали ўтган алоқа-савдо йўлларини аниқлашда юлдузларга маёқ бўлиб хизмат қилган, астрономия бўйича билимларга эга бўлишган.

Ватанимиз ҳудудидан чиққан алломаларнинг аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги фаолияти ҳамда улар яратган ва шу кунгача эришилган илмий билмларни такомиллаштиришдаги фаолияти илмий йўналишларда маҳаллий анъана ва мактабларнинг вужудга келишига хизмат қилдилар. Бу борада Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг (780-850 й.) илмий фаолиятига эътибор қаратиладиган бўлса, Шарқнинг дастлабки академияси “Байт ул-ҳикма” (Ҳикматлар уйи, яъни донишмандлар йигилган уй)да сермаҳсул илмий фаолият олиб бориб унга раҳбарлик қилган ҳамда “Ал-Жабр ва-л-муқобала” (Тиклаш ва қиёслаш амаллари),

“Китоб сурат ал-арз” (Ернинг сурати китоби) ва бошқа кўплаб асаларни яратган. Академиядаг фаолияти давомида Хоразмий турли мақсадларда илмий экспедициялар ташкил қилинган. Жумладан, 830 йилда унинг бошчилигида учта илмий экспедиция Гарбий Ҳиндистон (ҳозирги Афғонистонинг шарқи), Волганинг қўйи оқими ва Византияга ўюштирилди. Айнан шу экспедиция натижалари асосида бутун дуёда “араб рақами” деб аталган ўнлик саноқ тизими ҳақидаги маълумотлар билан танилган ва кейинчалик буни илмий таҳлил қилиб ўзининг арифметикага доир Ҳинд арифметикаси ҳисоби бўйича қўшув ва айирув китоби асарини ёзилди.

IX асрда яшаб ижод этган ва аниқ фанлар ривожига бекиёс хисса қўшган Шарқда “ҳисоб” (математик) деган лақаб олган аллома Абулабbos ибн Касир Фарғонийдир. Илм истаб Боғдодга келган Фарғоний бу ерда мазмуни илмий ижод қилди. У ватандошлари бўлган Мухаммад Хоразмий, Аббос ибн Жавҳарий ва Аҳмад ибн Абдулоҳ Марвазийлар билан биргаликда мураккаб чет тили тушунчаларини айнан бера оладиган араб терминологияини яратди. Абулабbos ибн Касир Фарғоний 831 йилда Дамашқ яқинидаги Касион тоғидаги расадхонанинг қурилишига бевосита раҳбарлик қилиди ва Бағдод расадхонада илмий кузатишлар олиб бориб бир қатор кашфиётлар қилди. У 812 йилда ўз кузатишлар асосида 812 йилдаги қуёш тутилишини аниқлаб, ернинг думалоқ эканлигини исботлаб бера олди. Шунингдек, у Нил дарёсининг сувини ўлчайдиган янги асбоб “миқёс жадид”ни яратди. Абулабbos ибн Касирнинг “аз-Зиж ал-Маъмун ал-мумтаҳна” (ал- ал-Маъмуннинг текширилган жадваллари) билан шуҳрат қозонди. Асар араб тилидаги дастлабки астрономик асар бўлиб, аллома астрономик тушунчаларни содда ва тушунарли тилда баён қилди. Ушбу китоб XII асрда икки марта лотин тилига, XIII асрда эса бошқа Европа тилларига таржима қилинди ва узоқ вақт давомида астрономиядан асосий қўлланма сифатида фойдаланиб келинди. Унинг асари бўйича Европанинг етакчи университетида маъruzалар ўқилган.

Илм-фан соҳасидаги амалга оширилган кашфиётлар ва ютуқларни янада такомиллаштириб бориш ҳамда давом иттириш мақсадида илмий мактаблар

яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб борилди. Бу мақсадда “Байт ул-ҳикма” қошида бошланғич мактаб ташкил этилиб бу ерда иқтидорли ёшлар таҳсил олишган. Боғдод билан деяри бир қаторда Ўрта Осиё хусусан, Бухоро, Хоразим, Самарқанд каби диёrimiz шаҳарлари ҳам илму-маърифат марказига айланди. Бунда илм-фан соҳасидаги “Байт ул-ҳикма”да эришилган ютуқларни давомчиси сифатида Хоразм Маъмун академиясининг фаолияти диққатга сазовордир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Хоразм Маъмун академиясида фаолият олиб борган олимлар ўзларидан олдин илм-фан соҳасида эришилган ютуқларни янада ривожлантириш баробарида қатор тузатишлар киритдилар. Хоразм Маъмун академиясида етук мутафаккир қомусий олимлари Абу Райхон Беруний, Яхё ал-Масиҳий а-Журжоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Умар Исфаҳоний, Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Бухорий кабилар фаолият олиб боришган.

Шуни алоҳида қайд ўтиш лозимки, тарихимизнинг барча давларida илму-маърифат қадрланиб жаҳон илм-фани тараққиётiga муносиб ҳисса қўшиб келинди. Бу анъаналар кейинги давларда ҳам давом иттирилди. Жумладан, собиқ Иттифоқ даврида ҳам ўрта асрларда ва кейинги давларда илм соҳасидаги ютуқлар мантиқий асосда давом иттирилди. Бу борада 1943 йил 4 ноябрда ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академияси алоҳида ўрин тутади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Фанлар академиясининг вужудга келиши тарихига халқимизнинг юксак илмий-ижодий халқимизнинг юксак илмий-ижодий тафаккури, буюк аждодларимизнинг ақл-заковати, она заминимизда қадимдан мавжуд бўлган Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси каби илм-фан марказларида яратилган илмий мерос ва маданий анъаналарнинг мантиқий ҳосиласи, миллий тарихимизнинг табиий маҳсули сифатида қараш таркиб топди. Фанлар академиясининг миллний ва умумбашарий илм-фан хазинасига қўшган муносиб ҳиссаси нафақат юртимизда, айни пайтда халқаро миқёсда ҳам тан олинди. Шу даргоҳда изланиш ва тадқиқотлар олиб бориб, ўз илмий мактабига асос солган буюк олимларимиз замонавий илм-фаннынг геология, жумладан, нефть, газ, рангли ва

## ТАРИХ

қымматбаҳо металлар конларини аниқлаш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш, математика, ядро ва қаттиқ жисмлар физикаси, астрономия, микробиология, ўсимликлар кимёси, сейсмология, фалсафа ва ижтимоий фанларнинг бошқа етакчи соҳаларини, буюк ва кўхна тарихимиз саҳифаларини, Шарқнинг бебаҳо мероси жам бўлган ноёб қўлёзмаларни чукур ўрганиш, она тилимизнинг ривожланиш қонунияти ва имкониятларини тадқиқ этиш, жаҳон илмий жамоатчилиги эътироф этган кўплаб кашфиёт ва янгиликлар яратилиб Ўзбекистонимизни бутун дунёга тараннум этиш йўлида фидокорона хизмат қилганлар".

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш соҳада эришилган ютуқларни такомиллаштириш борасида аниқ белгиланган режа ва қабул қилинган ҳужжатлар асосида амалга ошириб борилди.

Бугунги кунда илм-фан ривожланишини тӯла таъминлаш, жаҳон илм-фани ютуқлари билан ҳамоҳанг равиша илмий тадқиқотларни олиб бориш, ноёб ихтиро ва кашфиётлар, илфорг техника ва технологияларни ишлаб чиқаришни қуллаб-куватлаш, рағбатлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Табиийки, бундай тараққиёт замонавий шарт-шароит ва омиллар билан бир қаторда халқимизнинг кўхна тарихи, бой маданий ва маънавий меросига асосланади.

Шуни алоҳида таъқидлаб ўтиш лозимки илм-фан диёримизда тадрижий асосда ривожланиб келди. Бунда турли тарихий даврларда мураккаб шарт-шароит ва қийинчиликларга қарамай олимларимиз машақатли меҳнат эвазига илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишди. Зеро, буюк аждодларимиз тафаккури билан яратилган буюк илмий мерос буғунги кунда ҳам муносиб давом эттирилмоқда.

## Адабиётлар:

1. "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференция. -2017 йил.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас қуч. – Т.: 2008.
3. Юсупов А.Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси. – Т.: 2013.
4. Ўша жойда.
5. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд. – Т.: 1999.
6. Ҳасанов С. Хоразм мутафаккирларининг маърифий – педагогик қарашлари (Энг қадимги даврда – XX аср бошларигачи). - Фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... – Т., 2000.
7. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. – Т., 2005.
- 8 . Юсупов А.Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси. – Т.,2000.

(Тақризчи: M.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).